O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2001 йил 20 феврал | 1-2 (234-235)- сон

## ФИКРЛАР ЖАМЛАШГАНДА...

**Абдурауф Фитрат Туркистон Мухторияти эълон қилинган кунни «Миллий лайлатул қадримиз» деб атаган эди.**

Ватанимиз мустақиллиги, миллий давлатчиликни юксалтиришга доир ғоялар тарихан ўзининг бир неча минг йиллик назарий илдизлари, ҳаётий ўзанларига эгадир. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги улуғ маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, улар тарғиб этган ёрқин ғоялар янги жамиятимизнинг маънавий асосларига ҳам муштарак, албатта.

**МИЛЛАТНИ ЗАИФ ҚИЛУВЧИ НИМАДИР?**

Дастлабки маърифатчилик қарашларининг шаклланиш даврида яшаган Исмоилбек Ғаспрали Россия империясининг мус-тамлакачилик зулми остида яшаётган Туркистон халқларини миллий уйғонишга, мустақиллик ғояларини чуқур англашга чорлаган эди: «Бир кишининг фожиасидан ларзага тушамиз, ёрдамга шошамиз (яхши), лекин миллионларнинг фожиасига, бутун бир халқнинг, миллатнинг кўз олдимизда йўқ бўлиб кетаётганлигига бефарқмиз... Биз жоҳил ва чорасиз бўлмасак эдик, тупроқларимизнинг бойлиги ҳозиргидек бошқаларнинг мулки бўлмас эди ва бизнинг номимизга ҳам ҳурмат зиёда бўлур эди. Мана шуни англатмоқ, етказмоқ керак эди. Ундан қутулмоқ, ҳаётни илм-маърифат асосига қурмоқ керак эди»... (Таржимон, 1884 йил, 14-сон).

У фақат маърифат ва маорифгина ҳар бир инсонни ўзлигини англашга, эркинликни орзу қилиш учун фикрлашга, инсон иродасини таблақишига (тоблашига) йўл очишини таъкидлаган. Шу билан бирга Исмоилбек миллий ғоясизлик миллатни заиф

*Давр гурунглари*

қилиб, уни турғунликка етаклашини тарихий мисоллар асосида шундай изоҳлайди: «Неча-неча юз миллионли хитойлар, ҳиндлар сўнгги минг йил давомида ўзларини ҳеч нарсада кўрсата олмасдан қўшни халқлар етовига тушиб қолишдилар. Сабаби – ғоясизлик. Турғунлик».

Исмоилбек Ғаспрали ҳар бир халқ сиёсий қарашларга эга бўлиши лозимлигини, миллий озодлик учун курашни юксак ғоялар асосидагина амалга ошириш мумкинлигини айтган эди.

**ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯГОНА РЕЦЕПТИ БОРМИ?**

Маърифатпарварларнинг улкан сиймоларидан яна бири Аҳмад Заки Валидийнинг мафкуравий қарашлари мураккаб давр — Туркистонда Россия империяси ҳамда болшевиклар томонидан қўлланилаётган мустамлакачилик сиёсатига қарши курашлар тажрибаси асосида шаклланган эди. Мустамлака остидаги халқларни мустақил давлатлар сифатида қад кўтаришини қандайдир тор миллий маҳдудлик нуқтаи назаридан эмас, балки ўша даврда ғарбда ривожланган демократик тамойиллар асосида кечишини орзу қилди. Хусусан, у демократияни қуйидагича таърифлаган: «Демократиянинг бирдан бир, ягона рецепти йўқ. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкония-тини беришдадир. Демократия турли миллатрда турлича бўлиши мумкин. Лекин, унинг асосий бир шарти бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишдаги иш қонунларига бўйсуниш керак бўлади. Инглизларда, Америкада, Швецияда, Норвегияда иш шу тарзда тузилган. Бир партия ҳокимият тепасига келса, бошқалари унга ёрдам беришади. Россияда эса бу йўқ, 1919 йилда яхшигина демократик партиялар вужудга келди, аммо болшевиклар партияси тепага чиқди-ю, бутун бошли партияларни йўқ қилди ва тарихда мисли кўрилмаган мустабидлик режимини ўрнатди. ...Сизлар ички тартибсизликлар келтириб чиқаришга тайёр Совет Россиясига қўшни бўлганингиз туфайли, партиялар тузилиб, ҳукуматни танқид қиладиган матбуот майдонга келса, уни Советлар қандай сотиб олишни биларлар. Радио ҳам эркин ишлай олмас».

Жадидчилик ҳаракатининг Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Аҳмад Заки Валидий каби йирик намояндалари Туркистонда Ғарб жамиятида пайдо бўлган демократиянинг аосий устунлари – кўппартиявийлик ва жамоат ташкилотлари тизимини барпо этиш истагида бўлганлар. Улар Туркистон халқларининг миллий ғояларини демократик тамойил-

(Давоми 2-бетда)



2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

## НАВОИЙНИ ЎҚИЙМАН

*Менинг фикрим*

...»Мустақил иш» ёзишим керак, лекин уйқу қаттиқлик қиляпти. «Мустақил иш»ни эса ўз режам бўйича эртаси куни топширишим шарт. Чунки, қолган ишга қор ёғар, қолган ўқишга – «икки»... Аммо уйқу аралаш ёзилган ишнинг баҳоси ҳам «ухлоқ» бўлади. Хуллас...

«Дилрабо!..» – дедим бирдан овозимни баланд қўйиб. Йўқ, бу бирор дугонам ёки синглимнинг исми эмас. Бу мен учун шу каби вазиятларда асқотадиган, қўллаб-қувватлаб юборадиган «синалган усул»нинг бошланиши – Навоий ғазалларидан бирининг матлаъи:

**Дилрабо, сендин бу ғамким менда бордур, кимда бор,**

**Фурқатингдин бу аламким менда бордур, кимда бор?**

Одатдагидай, «мустақил иш»ни бироз фурсат унутдим, ғазални охиригача ёд ўқидим, яна икки-учтасини қўшиб айтдим. Тонгда уйқудан тўйиб уйғонгандан ҳам зиёда созландим: энди ёзсам бўлади, баҳоси «уйғоғи»дан. Унинг сарлавҳа қоғози – устки бетига мавзуга мос тасвирлар ҳам қўл келишганча туширилади, албатта (йўқ, булар адабий мавзулар эмас, мен аграр университетида ўқийман). «Дилрабо тасвирлар» деб жилмайиб қўяди опам ҳар гал бу ажабтовур тасвирларга қараб, «табиий-бадиий суратлар» – қўшиб қўяди яна. Тўғри, бу илмий «мустақил иш», лекин завқли ҳам бўлади-да, тасвирлар мавзуни ёритади.

Опам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини варақлаётган эди. Таниқли адиб Иброҳим Ғафуровнинг «Навоийни ким ўқийди?» сарлавҳали мақоласига кўзим тушди. «Навоийни мен ўқийман! – дедим беихтиёр. – Ҳозирча айрим ғазал ва рубоийларини, албатта, балки кейинроқ кўпроқ ўқирман... Шундай даҳо шоирнинг ғазалларини ёд олмай бўладими, ахир кимда бор?:

«Навоийни ким ўқийди?» номли мақолада ёшларнинг Навоийга бўлган муносабати ҳақида ҳаммани мулоҳазага чорлайдиган фикрлар билдирилган. Бу хусусда ўзимга савол бериб кўрдим. Мактабда 5-6 синфларда ўқиб юрган пайтларим уйимизда ўқитувчи опаларим Навоийдан бир-икки ғазал ёдлатишган, менга уларнинг айтилиш оҳанглари ёқиб қолган эди. Шу-шу бироз қизиқиш ва завқ уйғонди. (Умар Хайём рубоийлари, Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни такрор-такрор тинглаганимдан эса уларнинг китобларини ҳам мутолаа қиладиган бўлдим). Тўғри, менинг Навоийдан бундай ўқишим зарра қадар эмаслигини биламан. Лекин барибир шу заррадан ўзимга манфаат кўрганимни ҳис қилиб тураман. Буни шеъриятнинг қудратини ҳамда Навоий бизга ҳамиша зарурлигини бир қадар англаганим деб биламан. Шу боис тенгдошларимга юқоридаги байтларга ҳамоҳанг қилиб улуғ аждодимиз Навоий бизда бордур, кимда бор, дегим келади!

Устоз Иброҳим Ғафуровнинг сарлавҳа-саволига келсак, менимча, Навоийни кичиклар, ўсмир-ёшлар ўқийди – ўқитишса... куйлатишса, ёдлатишса. Катталарни... билмадим. Катталар ўқимаса ёшларни ким ўқитади, дерсиз. Улар ўқимаса-да, фарзандларига китобларидан совға қилиб туришса, ойнаи жаҳонда шу маънода санъат дурдоналари кўпроқ бериб борилса, шундагина, бир сўз билан айтганда, Навоийни Навоий ўқитади!

**ФАРОҒАТ,**
**ТошДАУ талабаси**

*«МТ» таклифи*

### ШУНДАЙ ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛСА...

**Ёш талабанинг жонли мулоҳазалари, унинг Навоий ғазалларидан суйиб ёд олганлигию Хайём ва Машраб оламларига ошнолигидан ажиб қувончга, бир қадар ҳайратга тўлдик. Ва бу завқли ҳол бизни ҳам бир мулоҳазага чорлади. Ҳамонки шундай ёшларимиз бор экан, уларга гўзал шеърий давралар кўпайса деймиз.**

**ТАКЛИФ: Ҳазрат Навоийнинг 560 йиллиги муносабати билан барча турдаги ўқув юртларида Навоий ғазалиётидан ифодали ёд ўқиш бўйича республика миқёсида кўрик-танлов ўтказилса. Бунда нафақат юқори, балки барча — энг қуйи босқичларнинг ғолиблари ҳам учта ўрин асосида моддий рағбатлантириб борилса (дейлик, ҳар бир мактабда ёки олийгоҳда), бизнингча, Навоий ижодига қизиқиш уйғотадиган гўзал иш бўлур эди. Танловда аруз қоидаларига риоя этилиши ҳам назарда тутилса, айни муддаодир. Эҳтимол ушбу танлов боғча ёшидаги кичкинтойларимиз орасида ҳам соддароқ тарзда ўтказилса бўлар. Навоийхон ёшларимизга шарқона лутф ила «офарин» деб қўйсак, мудом чин рағбатимизни билдирсак, биз куюниб такрорлаётган «Навоийни ким ўқийди?» деган саволимизга улар «Биз ўқиймиз!» деб жавоб берсалар, ажаб эмас. Балки кейинчалик мазкур танлов хайёмхонлик, машрабхонлик мавзуида яна мунтазамлашиб борар. Биз учун муҳими, МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК САБОҚЛАРИ, МАҚСАД – КОМИЛ ИНСОН, шундай эмасми?!**

**ТАҲРИРИЯТ**

## «ЭНГ ЯҚИН СЎЗ...» ЯҚИНИДА

### ОЛАМ КЕЗАР ИСМЛАР

Исм-шарифларимизнинг ўзгача шаклга тушиб қолиши юртимиздаги турли жой номларини бир пайтлар ёппасига бошқа миллатлар тилида номланган каби бир ҳолат эди. Ҳозир ҳам лоқайдлик туфайли айрим ҳудудларда аввалги сунъий номлар сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Исм-фамилияларимиз эса нафақат бизга, балки дунёга ойнадай равшан, — биз билан олам кезади. Ўз миллий фамилияларимизни қайта тикламаслик бошқа халқлар олдида ҳам бизни, таъбир жоиз бўлса, тарихий ҳижолатга солади, деб ўйлайман. Масалан, хорижий юртларда таълим олаётган талаба — ёшлардан бошқа тенгдошлари нега ҳали ҳам ўз фамилиянгизга ўтмагансизлар деб сўраб қолиши мумкин-ку (балки сўрашгандир ҳам)? Ҳар ҳолда собиқ иттифоқ тугаб кетганлигини дунё билади. Демак, тезроқ бу жараёнга киришимиз, асло бепарво бўлмаслигимиз зарур, исм-шарифимиз ҳам Ўзбекистон деб турсин.

**Мунира ИСОМИДДИНОВА, талаба**

**(2-бетга қаранг)**

*БУГУНГИ СОНДА:*

**«Энг яқин сўз...» яқинида**

***

Текин ош тешиб чиқди

***

**Уни Вилсон таклиф қилган эди**

***

Нега миллий таомлар деймиз?

***

**Умрбоқий наволар**

***

**Довдирлар нимага керак?**

## АЁЛ ТИЖОРАТГА КИРИШГАНДА...

### Божхона: «Тижоратчи» аёлларнинг тижорат тарозусида нима ўлчанади?

Хизмат юзасидан юртимиз сарҳадларини айланамиз, ноқонуний равишда ҳар хил нарсаларнинг келтирилишига ёки мамлакатимизнинг бойликларини ўзга юртларга рухсатсиз олиб чиқиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз. Хизмат чоғида турли ишлар билан йўлга чиққан кишиларни учратамиз. Кимдир тирикчилик учун, бола-чақа ташвишида елиб-югурса, кимдир мол-дунё орттириш илинжида, яна кимдир нафс домига берилиб, ҳатто бировларнинг ҳаётини, ўз миллатининг пайини қирқувчи ажал уруғларини ташийди. Аммо уларнинг орасида аёлларни ҳали бола-чақа ғами у ёқда турсин, ўз ташвишини англамаган ёшгина қизларни кўриб кишининг дили оғрийди.

Ота-боболаримиз аяб, бир челак сувни кўтартиришга кўзи қиймаган аёлларимиз, нозикниҳол қизларимиз жуссасига ярашмаган юкларни, оғир-оғир сумкаларни судраб, куну туннинг ҳам фарқига бормай юртлар ошиб савдогарлик қилаётганини учратиб қоламиз. Уларни тўхтатасану кўксингда изтиробли оғриқ пайдо бўлади, «улар она, уйида болалари кутаяпти», — ўйлайсан киши.

Улар эса норасидаларига раҳм қилишни сўрайдилар. Аслида норасидаларни қоронғу кечаларда ёлғиз қолдириш ўзи раҳмданми? Кундузлари фарзандларининг нима билан шуғулланаётгани, кундалик овқатланиши, ўқишидан хабар олмай, юрт ошиб кетган онани бирдай меҳрибон дейиш қийин албатта. Вояга етаётган ўғлининг қаерга бориб, қаердан келаётганидан хабар топмай, ҳар бир тижорат сафаридан келганида қўлига мўмай пул тутқазиб, яна бу пуллар билан уни холи ташлаб, тағин сафарга жўнаб қолган онани мушфиқ аташ мушкул. Ҳали улғайиб улгурмаган қизчасини зеб-зийнатларга безаб, упа-эликлар олиб бериб, укажонларига қараб ўтиришни тайинлаб, уй бекаси қилиб қолдириб кетаётган аёлни ўз қизининг келажаги ҳақида қайғураётганига ишониш қийин.

Тўғри, бунинг яна бир жиҳатини эътибордан четда қолдириб бўлмайди, яъни оилада эркак бўлмаса ёки эркак ношудроқ бўлса, рўзғор учун аёл югуриб-елади, лекин тижоратнинг ҳам ҳалол, қонуний йўллари бор-ку.

Божхона постини четлаб ўтиб, ички айланма йўллардан келаётган «УАЗ-469» русумли автомашинани тўхтатдик. Текширув давомида унда 144.000 сўмлик 1560 дона электр лампочкаларини ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги маъум бўлди. Хайдовчи Ж. Оллаёров юкни ёнидаги йўловчи Қизларгул Сотиболдиевага тегишли эканлигини билдирди. Аёлга юзландик:

— Синглим, ёшингиз нечада?

— 29 га кирдим.

— Бирор касбингиз борми? Бу тижоратингиз ноқонуний эканлигини билмасдимингиз?

— ...

Шу куннинг ўзида яна бир аёл — сурхондарёлик Шоира Абдулҳамидова Шовот туманининг ички айланма йўлларидан Баҳром Шукурбоев бошқарувидаги УАЗ-469 русумли автомашинада 148.900 сўмлик 560 дона хорижда ишлаб чиқарилган шиша идишларни ноқонуний равишда олиб келаётганида тўхтатилди. Бу аёл суриштирув пайтида иккита фарзанди борлигини, олий маълумотли эканлигини билдирди.

Қизларгулнинг-ку касбикори йўқ, қонун-қоидани билмас экан дейлик, аммо Шоирага ўхшаган ўқимишли, касб-корли аёлларнинг бундай юришларини, қонунга беписандлик билан муносабатда бўлишларини қандай баҳолаш мумкин?

Биз «Ҳаракатдаги божхона» пости ходимлари томонидан фақат бир куннинг ўзида ноқонуний хатти-ҳаракат содир қилиб қўлга тушган аёлларни айтиб ўтдик, холос. **Лекин яна қанчалаб аёлларимиз уй-элини, фарзандларини кўз қийиб қолдириб, узоқ сафарларга отланмоқда...**

Нега? Нега бундай аёллар назокатли ёр, болаларини бағрига босиб улғайтирувчи меҳрибон она, кеча-кундуз хонадонни ёритувчи чироғи бўлишни истамаётирлар?... Саволлар чексиз.

Майли, қизларингизга дуру гавҳарларни тақмасангиз ҳам, ўғилларингизга от-уловлар миндирмасангиз ҳам, фақатгина уларнинг қорни тўқ, усти бут қилиб, маънавияти юксак инсон бўлиб ўсишлари учун уларни бағрингизнинг тафтида ўстиринг. Ахир миллатимиз келажаги — сизнинг фарзандларингиз дегинг, шу ҳақиқатни тушунтиргинг келади уларга. Зеро, миллат тақдирини белгиловчи она ва фарзандлар тақдирини «тижорат» тарозусига солиб бўлмайди.

**Алишер РАҲИМОВ,**
**божхона инспектори**

### Қинғир ишнинг қийиғи

# ТЕКИН ОШ ТЕШИБ ЧИҚДИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора томонидан Хоразм вилояти нефт маҳсулотлари таъминоти ташкилотига қарашли «Шарлауқ» нефт базасида нефт маҳсулотларининг сифати ва миқдор жиҳатидан сақланиши бўйича текшириш ўтказилганда ушбу база ҳисобида бўлган «А-72» автобензинидан 148766 литр, «А-75» автобензинидан 54820 литр, дизел ёнилғисидан 75969 литр — жами 17911675 сўмлик камомад борлиги маълум бўлди. Шунингдек, яна бир ажабланарли ҳолат — шу вақтнинг ўзида «МГ-8А» техника мойидан 2729 литр, «М 10 В 2» дизел мойидан 582 литр, ферганал «САЕ МО» мойидан 298 литр, мотор ёнилғисидан 650 литр, техник керосиндан 12598 литр ортиқча экани аниқланди. Мазкур номутаносибликнинг сирини билиш мақсадида база директори Раҳмон Оллаберганoвга мурожаат қилинганда, у бу ҳол ҳисобот ишларидаги чалкашликлар туфайли рўй берган, деган баҳонани рўкач қилди.

Аслида эса базанинг омбор мудирлари Озод Хўжамуродов, Дурдибой Матёқубов, собиқ ҳисобчи Ражаббой Ибодуллаев ва юк хатлари расмийлаштирувчиси Бобохон Жуманиёзовлар базадаги ёнилғи мойлаш материалларини сохта ҳужжатлар билан расмийлаштириб, ноқонуний равишда сотиш билан шуғулланган. Улар сотиб юборилган ёнилғиларни Хонқа туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигига, нефт маҳсулотлари таъминлаш корхонасига қарашли «Тупроққалъа» филиалига ўтказиб берилган, деган сохта ҳужжатлар билан расмийлаштиришган.

Шундай қилиб, директорнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши, қолаверса, ходимларнинг кўзи олдида ўзи ҳам ўғирлик қилиб кимлигини аён қилгани бош ҳисобчига жиноятнинг йўлларини кенгроқ очиб боришга имкон туғдирган.

Бош ҳисобчи Рўзибой Қурамбоев директорига корхонанинг олгидор (дебитор) қарзини ундириш учун банк бўлимига талабнома қўйиш лозимлигини билдириб, 28 та тўлов топшириқномасига имзо чектиради ва яна 2 та тўлов топшириқномасига унинг имзосини қалбакилаштиради. Бу барча тўлов топшириқномалар асосида ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг Хоразм вилоят Питнак бўлими бош ҳисобчиси Қоррибой Собуров ва ҳисобот бўлимининг етакчи мутахассиси Бекназар Жуманиёзовлар билан жиноий тил бириктирган ҳолда «Шарлауқ» базаси ҳисобидаги жуда кўп миқдордаги пулларни Питнак шаҳридаги «Ал-Рам», «Тўямўйин», «Мирзо», «Мустақиллик», «Шерзод ҳожи», «Алишер», «Қаландар Маҳсум», Ҳазорасп туманидаги «Дилноза» хусусий фирмалари ва «Эркин» тижорат-восита дўконининг ҳисобот рақамига ўтказиб беради. Улар бу билан ҳам чекланишмади.

Бухоро нефт маҳсулотларини қайта ишлаш заводидан «Қоровул бозор» станцияси орқали Қорақалпоғистон Республикаси нефт маҳсулотлари таъминоти корхонасига қарашли «Чимбой» НМТК сига жўнатилган 1827622 сўмлик 58986 литр дизел ёқилғиси йўлда вагон сиғимларидан оқиб келаётганлиги сабабли «Шарлауқ» НМТК си омбор мудири Д. Матяқубов қатнашувида тузилган гуруҳ томонидан вагондаги дизел ёқилғиси ўлчаб кўрилган. Дизел ёқилғисидан 364 литр камлиги аниқланиб, бу борада далолатнома тузилган ва вагон сиғимида қолган 58622 литр дизел ёқилғиси омбор мудири Д. Матяқубовга «Шарлауқ» НМТК сига кирим қилиш учун топширилган.

Шунингдек, Фарғона нефт маҳсулотларини қайта ишлаш заводидан «Олтиариқ» станцияси орқали Қорақалпоғистон Республикаси нефт маҳсулотлари таъминоти корхонасига қарашли «Тахиатош» НМТК сига жўнатилган 58109 литр дизел ёқилғиси носозлик туфайли оқа бошлагани сабабли ёқилғи қайта ўлчаб кўрилган ва 512 литр камлиги аниқланган. Бу текширувда ҳам Д. Матяқубов қатнашган ва текширув гуруҳи томонидан тузилган далолатномага асосан вагонда қолган 57597 килограмм дизел ёқилғиси «Шарлауқ» НМТК сига кирим қилиш учун унга топширилган.

Аммо Д. Матяқубов жами 3 600 920 сўмлик жуда кўп миқдордаги ёқилғиларни корхонага кирим қилмасдан, бош ҳисобчи Р. Қурамбоев билан тил бириктириб, ҳаттоки корхона директоридан ҳам сир тутиб, ҳужжатларни йўқ қилишган ва ёқилғини пуллаб юборишган.

Бир сўз билан айтганда, «Шарлауқ» базаси ҳар томонлама таланган. Хўш, бунга нима сабаб бўлди? Албатта, «Шарлауқ» базасининг бу аҳволга тушишида база раҳбари Р. Оллаберганoвнинг айби кўп. Чунки у давлат мулкига, ўз мансабига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги, қолаверса, ўзининг баъзи бир ўғирликларга аралашуви қўли эгри кимсаларга, айниқса бош ҳисобчи Рўзибой Қурамбоевга жиноят қилишга имкон туғдирган.

Вилоят нефт маҳсулотлари корхонасига қарашли «Шарлауқ» нефт базасида қилинган талонторожлик учун база директори Раҳмон Оллоберганов, бош ҳисобчи Рўзибой Қурамбоев, омбор мудири Дурдибой Матёқубов, оператор Бобохон Жуманиёзов, Тупроққалъа филиали оператори Сафар Саидмуротов, собиқ бош ҳисобчи Ражаббой Ибодуллаев, собиқ омбор мудири Озод Хўжамуродов, «Пахтабанк» Питнак бўлими бош ҳисобчиси Қоррибой Собуров, «Пахтабанк» Питнак бўлими мутахассиси Бекназар Жуманиёзов, «Ал-Рам» хусусий фирма директори Олланазар Бекчанов жиноий жавобгарликка тортилди. Халқимиз топиб айтганидек, текин ош тешиб чиқди. Халқ мулкини туя қилганлар ҳақли равишда шундай жазолангусидир.

**Бахтиёр ЎТАРОВ,**
**Хоразм вилоят прокуратурасининг катта терговчиси**

# ФИКРЛАР ЖАМЛАШГАНДА...

## ЖАДИДЛАР: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАСЛАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

лар билан уйғунлаштириш тарафдори эди. Жумладан, 1917 йилнинг 19 июлида Заки Валидий Тўғоннинг матбуотда «Туркистонда ташкилот масаласи» номли мақоласи эълон қилинади. Унда Туркистондаги турли хил уюшмалар, жамиятлар ва партиялар хусусида назарий-таҳлилий қарашлар баён қилинади. У мазкур мақоласида барча ҳаракат ва ташкилотларни уч гуруҳга бўлиб, ҳар бирига алоҳида таъриф беради. Булар: синфий ташкилот, фирқа (партия) ташкилоти, умумий ташкилот. Мазкур мақола ўша даврда демократик институтларни жамиятга жорий қилишга интилган жадидларнинг ғоялари илғор маслаклар асосига қурилганлигининг бир ифодаси эди.

Аҳмад Заки Валидий Туркистондаги кўплаб ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиб, уларнинг камчиликларига танқидий муносабат билдиради. Илғор мамлакатлар тажрибаси билан қиёслайди. Баъзи ташкилотларнинг маромномаси йўқлигини, бошқаларининг эса дастури етишмаслиги ҳақида ёзади. Шунингдек, Туркистондаги ташкилотлар тарқоқ ҳолатда фаолият кўрсатишига ачиниб, барча ташкилотларни Туркистон мухториятини қўлга киритиш учун бирлашишга чақиради: «Маълумдирки, ҳозир дунёда халқ мутлақо яхши уюшгандагина ўз мақсадига ета оладур, ҳатто маданиятсиз халқ ҳам ўзининг ҳолига мувофиқ суратда яхши ташкилот қилса, ўз мақсадига етадур. Аммо ташкилоти бўлмаган миллат ҳеч бир мақсадига ета олмайдур. Ҳар бир шахс ўзининг ишлари учун иккинчи миллат одамлари, фақат нуфуз аҳллари олдина сажда қилиб юрувга мажбур бўлиб ва ниҳоят, мақсадига ета олмасдан қайтадур. Ҳайҳотки, ташкилоти яхши бўлмаган миллатга раҳмоят мухториятгина эмас, бундай миллат ўлим ва инқирозга маҳкум бўладир».

### ТУРКИСТОННИНГ ИДОРА УСУЛИ ҚАНДАЙ БЎЛУВИ КЕРАК?

XX аср бошларида миллий ғояларни ривожлантиришда улуғ арбоб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг назарий қарашлари ўзига хос ўрин тутади. У ўз мақолаларида миллий уйғонишга даъват этувчи маърифий-маънавий масалаларни, ижтимоий адолатсизлик муаммоларини кўтарди. Унинг «Вақт» газетасида (1907 йил 4 ноябр) босилган «Дума ва Туркистон мусулмонлари» мақоласида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, миллий зулм фош қилинган, муаллиф Туркистонда 70 минг руслардан 6 депутат бўлгани ҳолда, 7 миллион мусулмонга фақат 5 депутатлик ўрни ажратилганини куюниб ёзган эди.

Беҳбудий миллий ғояларни Туркистон халқларининг келажакда қандай жамият қуриши масалалари билан уйғунлашган ҳолда талқин қилган. Шунинг учун ҳам у Туркистонда қандай сиёсий тузум ўрнатиш масаласини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш мақсадида дунёда мавжуд бўлган нисбатан илғор тузумларни ташвиқ ва тарғиб қилиб чиқди. Беҳбудий сиёсий масалалар, давлат қурилишига доир назарияларни чуқур ўрганди, уларни матбуотда эълон қилиб борди. У сиёсий тузумларни учга бўлади: 1. Идораи мустақла (Идораи мутлақа – монархия). 2. Идораи машрута (конституцион парламентли давлат).

3. Идораи жумҳурият (Республика).

Беҳбудий бу сиёсий тузум ва режимларни чуқур шарҳлаб ўтади ва: «Бу икки тоифани(нг) (Идораи машрута ва идораи жумҳурият назарда тутилмоқда. – М. Қ.) подшоҳи баъзи мамлакатда «элга тобеъ бўлуб турарман» деб қасам ичиб, баъд (кейин) мансабга чиқадур. Катта вазирлар ва мамлакатдорлик мутасаддиларини тафтиш қилмоққа, терговга бермоққа, ҳатто ўшал соатда бирдан бекор қилдурмоққа баъзи Миллат мажлисларини(нг) ихтиёри бордур. Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтор, одати шу уч усулни(нг) бирига дохил, тобеъ ва мувофиқдир.

Мустақил ҳукмдорлари(нг) қўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илм-сиз ҳукуматлардек неча милиун халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшо)ни(нг) ихтиёр, ёройи – ва ҳукмигача йўқдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзга ҳоким ва мутасарриф (эга)дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур», деб ёзади.

Маълумки, 1918 йилда дастлабки лойиҳаси Фитрат томонидан тайёрланган, кейинроқ, яъни 1920 йилда Файзулла Хўжаев томонидан такомиллаштирилган «Ёш бухоролилар партияси» дастурининг матни «Зулмга қарши бирлашингиз!» шиори билан бошланган эди. Дастурда ифодаланган муҳим мақсадлардан бири «Бухорода янги усул мактаблар очиш, газета ва журналлар нашр этиш, Бухоро халқининг сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий савиясини ёппасига кўтариш мақсадида ёш бухороliларни Европага ўқишга юбориш» бўлса, Иккинчиси, «ажнабийларнинг Бухоронинг ички ҳаётига аралашувидан озод қилиш» эди. Биринчи мақсад имкон даражасида амалга оширилиб борди.

20-йиллардаги Туркистондаги сиёсий партиялар ва сиёсий вазиятни таҳлил қилар эканмиз, жадидларнинг жасоратила илгари сурилган миллий ғоялари кўпроқ уларнинг сиёсий ташкилотлари дастурларида аниқ ифодаланганлигини кузатамиз. Жадид ташкилотларининг бирлашувидан ташкил топган «Ўрта Осиё Мусулмон Миллий Халқ Инқилоб Жамиятлари Иттифоқи»нинг дастурида Туркистонда амалга ошириш лозим бўлган мақсадлар қуйидагича ифодаланган эди:

– Жамиятнинг асосий мақсади – Туркистон мустақиллиги. Унинг келажаги маҳаллий халқ томонидан ҳал этилмоғи керак.

– Мустақил Туркистоннинг идора усули Демократик Жумҳуриятдир.

– Миллий қўшин ташкил этиш йўли билангина истиқлол сақлаб қолиниши мумкин. Миллий ҳукумат таянчи миллий қўшиндир.

– Туркистон истиқлоли иқтисодий мустақиллик соясидагина амалга ошиши мумкин. Туркистон иқтисодининг умумий чегарасини белгилаш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини юритиш маҳаллий халқ ихтиёрида бўлиши керак.

– Асрий маориф анъаналарини тараққий эттириш ва Европа маданияти билан тўғридан-тўғри танишиш ва ундан таъсирланиш.

– Миллий ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалаларини маҳаллий аҳоли манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ҳал этиш.

– Диний эътиқод эркинлигини жорий этиш. Давлат ва дин ишларини бир-биридан алоҳида олиб бориш.

Аср бошидан то 30-йилларгача бўлган тарихий ва сиёсий ҳужжатларни, оммавий ахборот воситалари архивларини, шунингдек, жадидлар, олимлар томонидан эълон қилинган асарларни чуқур ўрганиш Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори каби жадидчиликнинг ғоявий етакчилари миллатимизнинг улкан сиёсий назариётчилари эканлигига амин бўламиз.

Улар Туркистондаги барча халқларни ягона байроқ – миллий мустақиллик атрофига бирлаштириш орзусида яшадилар. Шунингдек, бу ерда турли-туман халқларни бирлаштира олиш қудратига эга ғоявий қарашларни ҳам ярата олдилар. Ғарбий Европадаги демократик тамойиллар ва илғор тажрибаларни Туркистондаги миллийлик билан уйғунлаштиришга интилдилар. Шу мақсадларда сиёсий партиялар тузиш, парламент таъсис этиш, Республика барпо этиш орзусида ёндилар. Улар Туркистон халқининг истиқболи демократик жамият тузишда, деб билдилар. Мана шу йўлда халқ оммасининг илғор қисмига ўз ғояларини сингдиришга интилган эдилар.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**сиёсатшунос**



**— Хавотирланма, мева бермай қолганингда ҳам тиргаб тураверaман.**

**Б. ТОЖИЕВ чизган расм**

# «ЭНГ ЯҚИН СЎЗ...» ЯҚИНИДА

## ФАМИЛИЯМНИ ТЎҒРИЛАГУНЧА...

...70-йиллар эди. Отам Турсун Тожиев «Таджиев» кўринишида нотўғри ёзилиб қолган фамилиясини тўғирлатишга саъй-ҳаракат қилиб, бунга эришолмади. У пайтда ёш бўлсам-да, падари бузрукворимнинг чеккан изтироблари ва аламларини ҳис этганим кечагидек ёдимда турибди. Чунки отам фамилиясидаги «дж» шаклини ўзбекча кўринишда «д» ҳарфисиз ёздиртираман деб, бошига кўп бало-қазоларни orттириб олганларини онам куйиниб айтардилар. У кишининг айтишича, отам барча маҳкамаю идораларга «бош суқиб» астойдил интилганидан уни сал бўлмаса «миллатчи»га чиқариб қўймоқчи бўлган кишилар ҳам топилган экан. Ҳатто институтда ўқиган маърузаларини ёзиб олиб текширишганлигини эшитганим бор. Чунки «фамилиямни ўзбекча қилишни хоҳлайман, шунга ёрдам беринг» деган мазмунда илтимос билан кириш учун, ҳатто собиқ ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси қабулига ҳам ёзилган эканлар... Охир-оқибат тазйиқу исканжалар таъсир қилмасдан қолмади, касалликка чалиндилар, муддатидан аввалроқ нафақага чиқиб, сўнгра педагогикадан бошқа соҳага ишга ўтади. Фамилиясини ўз хоҳишига кўра ёзилишини хоҳлаган кишининг яқин ўтмишдаги тақдири шундай кечган эди. Отамнинг «Сен ва невараларимнинг исм-шарифлари «дж»сиз, «вич»сиз ёзиладиган, айтиладиган кунлар ҳам келиб қолар, мен бунга ишонаман! Ўша давр келса фамилиянгни ўзбекча ёздириб олгин», – деганлари ҳали ҳануз ёдимда турибди. Шукурким, ҳозир фамилиям отам орзу қилган кўринишда, болаларимники ҳам кўнгилдагидек, имло хатосиз ёзилган, барча ҳужжатларида...

Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, мен шахсан ўз исми-шарифи қандай ёзилиши ва айтилишига лоқайд қарайдиган кишиларни тушуна олмайман. Илгари «Таджиев» бўлиб қолган ҳужжатимдаги ёзувни тузатиш учун ҳаракат қилиб юрганимда «Нима, шуни тузатсанг маошинг ошиб қоладими, нима фарқи бор», деб бир нечалар кулишди ҳам. Аммо бефарқлик билан айтилган бундай гапларга эътибор бермадим, уч ой овораю сарсон бўлсам-да, паспорт бўлимидаги турли сансалорликлардан ўтиб ниятимга етдим. Истиқлол, мустақиллигимиз бунга йўл очди, лекин ҳамма масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолавермайди. Ҳар биримиз Ватанга хизмат қилишда ҳам, шахсий масалаларни ҳал этишда ҳам фаолроқ бўлишимиз, тақдиримиз Ватан тақдирига туташ эканлигини ҳис қилишимиз керак.

**Баҳром ТУРСУН ўғли,**
**ўқитувчи**

# СЎЗ МАҒЗИ

Профессор Қўчқор Хоназаровнинг «Энг яқин сўз...» сарлавҳаси остида «МТ»да эълон қилинган мақоласини бир неча бор ўқиб чиқдим. Олим куюнчаклик билан ўртага ташлаган муаммо мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб, турли давраларда, ўқув масканларининг аудиторияларида, илмий тадқиқот масканларида, ўзаро оддий суҳбат, гурунгларда тилга олиниб келинаётган эди. Матбуот саҳифаларида ёзувчи Тўлқин Эшбекнинг бу мавзуга доир чиқишлари, Бобомурод Абдуллаевнинг «МТ» да берилган «Махарашвили ва ... «Атаев» мақоласи шу умумий маънавий эҳтиёжнинг ифодаларидир. «Энг яқин сўз...» мақоласида ўртага ташланган таклифнинг қимматли жиҳати шундаки, унда бир пайтлар замон зайлига кўра топталган қадриятларимиздан яна бирини тиклаш, ўз азалий мақоми даражасига қўйиш зарурати ҳаётий ифодасини топган. Демак, хайрлик ва савобли ишга қўл урилгандир.

Менинг Ҳайбатулло исмли бобом бор эди, шу киши доимо: «Болам, одамни отасининг исми билан бобосининг исми бир хил бўладими? – деб сўрардилар». «Нега», деб сўрасам, сен ўз фамилиянгни ўқигин, дер эдилар. «Ҳабибуллаев Абдулҳамид Ҳабибуллаевич» – дердим. «Энди қара болам, кўпчилик юқори лавозимдаги кишиларнинг, марказкомнинг биринчи котибининг фамилиясини ҳам исм-шарифи шундай, бу мумкин эмас. Нега ота ва бобо исмларига «-ов», «-вич» қўшиб олинган. Ёки шундай қилиб ёзишга буюришганми», дердилар.

– Қандай бўлиши керак? – сўрардим.

– Абдулҳамид Ҳабибулла ўғли, деб ёзилмоғи мақсадга тўғри келади.

Инсон фарзанди учун энг яқин сўз, ўша бобом айтганларига мос келар экан. Қаранг, муҳтарам олимимиз таклиф этганларидек, исм-шарифлар ҳам, жой номларини ҳам мустабид тузум даврида сунъий тарзда, ички бир ҳолатда ўзгартирилган. Бундай қувлик билан бошланган шўролар сиёсати туфайли «маънавий инқилобга» йўл очилган. Ҳатто, баъзи амалдорлар исмини айтиб муомала қилинганида улар «– вич» деб мурожаат қилинглар, деб талаб қилишарди. Шу зайлда кўпгина исмларга эскилик ёки диний тус ҳам берилди. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ранжком» драматик достонида шундай мисралар бор:

**Кўчамизда бир лектор бор, Худойкул оти,**
**Ёзғувчи деб тегар эди ғашимга нуқул.**
**Сен диндор деб эълон қилдим ўша заҳоти**
**Чунки дедим, сенинг исминг айнан Худойкул...**

Гап шундаки, «маънавий инқилоб» даврида «Худой» қисмига диний, «қул» қисмига синфий тус берилиб, бундай исмлардан – ўз исмидан ҳам маҳрум қилишган.

Исм инсоннинг моҳияти кабидир. Мустабид тузум даврида энг яқин сўзга раҳна тушган эди, буни зукко олимимиз тўғри илғаган ва инсоний қадр-қимматимиз, ўзлигимизга доир муҳим таклиф билдирган. Лекин бу борада «қош қўяман» деб кўз чиқармаслик керак. Шошма-шошарлик ҳеч бир даврда фойда келтирган эмас. Мақолада зикр этилганидек, демократик жамиятимизда бу кўпчиликнинг хоҳиш-истагига, ўзига ҳавола ишдир.

Исм-шарифларнинг ўзбекона талқинлари кўп. Дейлик, Нурмуҳаммад Абдухолиқ, Аваз Қурбон, Нодира Абдулло қизи, Шафоат Термизий, Маҳкам Андижоний ёки Шерали Абдулҳамид ўғли...

Исм-шарифларни миллийлаштириш назаримда давримиз кишиларининг ижтимоий бурчи кабидир.

Исм – сўз, сўзнинг эса мағзи бўлади.

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**доцент.**



Ёш полвонлар

# СИЗНИ КИМ ТАНИШТИРАДИ?

## Мухтасар мулоҳазалар

***Ўтган сонимизда «Миллий фамилияга ўтишни хоҳлайсизми?» деган саволимизга берилган жавоблардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилган эдик. Ушбу саволимизга турли фикрлар билдирилаётгани боис жавоблар асосидаги мухтасар мулоҳазаларни бу гал ҳам давом эттириш истаги туғилди.***

Исм-фамилиями – бошқами, хуллас, бир пайтлар замон зайли билан миллийлигимизнинг қайси жиҳати сунъий равишда русчалаштирилган – ўз ўзидан чиқарилган бўлса, энди асл ҳолига қайтаришимиз шарт.

**Камолиддин ТУРСУНОВ**

* * *

«Энг яқин сўз...» яқинида атрофидаги мулоҳазалар билан танишиб бораяпман. Яхши-ку, лекин ростдан ўтамизми ўзи?

**Лола СОАТОВА**

* * *

Яна бир оворагарчилик зарурмикин? Шахсан менинг турмуш ташвишларим ўзимга етарли, энди сиз айтганча миллийлик деб ҳам югурмай дейман-да. Паспортимни бераман, ўтқизса-ўтқизаверишсин.

**Йўловчи**

* * *

Аввал нега русча фамилияга ўтганмиз ўзи, латиш, арман, грузинлар ўзиникида қолган-ку. Яна «Ўз фамилиямизга ўтамизми-йўқми?» деб муҳокама қилишимиз, менимча, ортиқча. Исм-шарифлар ҳам миллий ғурур эканлигини ана шу миллатлар каби биз қачон англаймиз, биз ҳам бир миллатмиз-ку?!

**Зубайда НАЗАРОВА**

* * *

Кўпга келган тўй, дейдилар. Ҳамма ўтса ўтаверамизда. Ҳар ким уйида яшаганидай фамилиямиз ҳам бизда яшаса – тўғри-да.

**Ботир САЪДУЛЛАЕВ**

* * *

Сўзларни русчалаштиришганида одамлардан сўраб ўтиришмаган, «Сен фалончиевсан» деб хоҳлаганча атайверишган. Бизни биров хоҳлаганча таништириши эмас, ҳар бир киши, миллат ўзини ўзи таништириши керак.

**Тўлқин МУҲАМЕДОВ**

* * *

Ўзининг кимлигини билган, ота-бобосини ҳурмат қилган ва фарзандлари, бўлажак авлодидан ҳурмат кутган киши албатта ўтади!

**Жумагул САМАНДАРОВА**

# ЁДНОМАЛАР ЁДИДА КУМУШ ОТИ

## Ўзбек исмларининг тарихий ва лисоний хусусиятлари

### Исмлар тарихи

Исмлар халқимизнинг диний, ахлоқий ва илмий қарашларини ўзида мужассам этиб келган. Исм-шарифлар маълум маънода тарих ҳақида маълумот берувчи манба саналади, албатта. Шу боис адабий ёдгорликлар тилидаги атоқли отлар тизимини, хусусан, киши номларининг шакл (антропоним)ларини тадқиқ қилиш ҳам ўзбек номшунослигининг муҳим муаммоларидан биридир. Зеро, ҳар бир даврнинг ўзига хос антропонимлари мавжуд бўлган ва у замонлар ўтиши билан ўзгарган. Ўзбек халқининг тарихи, маданияти, урф-одати, яшаш шароити билан боғлиқ ҳолда кишиларни аташнинг янги шакллари пайдо бўлди (фамилия), баъзилари истеъмолдан чиқди (кунъя), бошқалари турлича ўзгаришларга учради (нисба). Тарихий ёдгорликлар қадимда одамларни номлашнинг қуйидаги шакл (тур)лари мавжудлигини тасдиқлайди: исм, ота исми, насаб, тахаллус, кунъя, нисба.

Исм пайдо бўлишига кўра энг қадимий аташ шаклидир. Ўзбек исмлари қадимий даврлардан халқнинг турли-туман удумлари, орзу-истаклари, маънавий қадриятларининг бир ифодасига айланиб кетган.

XI—XII аср туркий ёдгорликларини ўрганар эканмиз, улардаги киши номлари кўпроқ ушбу хусусиятлари билан ажралиб туришини кузатамиз: 1. Реал ҳаёт асосида тузилган илмий ва тарихий асарларда туркий исмларнинг кўплиги (60-70 фоиз) ва ўзига хос маъноларга эгалиги; 2. Туркий исмларда қўшма (мураккаб) ясалиш хусусияти мавжудлиги... 3. Турли исм ясовчи қўшимчалар орқали ясалган содда антропонимлар.

Шунингдек, халқимизга азалдан ёд бўлиб кетган дидактик ва тасаввуфга оид асарлар тарихий ҳаёт воқелигининг исмларда ҳам акс этишини кўрсатади. Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби донишмандлар битган китоблардаги исмларнинг асосий қисми (50-60 фоиз)ни диний исмлар ва тарихий шахсларнинг номлари (20-30 фоиз) ташкил этади.

XIII—XIV асрларда ўзбек (туркий) тили ҳақида яратилган илмий асарлардаги исмларни эса тузилишига кўра бағишлов, тавсифий, орзу-истак мазмунидаги исмларга ажратиш мумкин. Бағишлов исмлар узоқ даврлар мобайнида одамларнинг турли предмет ва нарсаларга эътиқод қилиши, сиғиниши асосида вужудга келган. Булар: Ёруғлик манбаи бўлмиш осмон жисмлари – планеталар номларига бағишланган исмлар (Айдўғди, Айтуғмиш, Кунтуғди, Кунтуғмиш, Айдемур, Айбек ва бошқалар). Куч ва жасурлик рамзи бўлган ҳайвонлар номларига бағишланган исмлар (Айбарс, Байбарс, Тайбарс, Актай, Арслон, Тўқтай, Қара Қаратай). Туркий халқларнинг қадимги аждодлари учун муътабар ва илоҳий ҳисобланган турли қушларнинг номларига бағишланган исмлар: (Ақсунқур, Аққуш, Алақуш, Бўзқуш, Сунқуш, Лочин, Тўған (қирғий), Қарақуш, Сунқурчадир.

Тавсифий исмлар эса турли нарсаларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топиб хусусият, ҳолат, вақт ва жойни акс эттирган: Қутлуба (қутли бек), Кучба, Қилич, Сунгу (найза), Учари (чегара кишиси), Алтун, Кумуш, Йунжу, Ақбала, Йавош;

Орзу-истак мазмунидаги исмлар сирасида сўзнинг илоҳий қудратига ва урф-одатларга асосланган Сотилмиш, Сатмаз, Ташлақ, Турсун, Уйтул; Узоқ умр, соғлик ва улғайишни ифодаловчи Эсан, Эсанбай, Темуртой, Таштемир, Тошбек, Алтунташ, Бектош; Чиройлилик ва гўзалликни ифодаловчи: Айгул, Аййўз, Бинафша, Гуҳар, Гулчечак, Гулбаҳор; Куч-қудрат, мардликни улуғловчи Кучбэ (кучли бек), Бекчэри (кучли асқар), Элбасти, Саллар (асқар боши) каби исмларни тилга олишимиз мумкин.

XIII—XIV асрлар туркий (ўзбек) тили ҳақидаги илмий асарларда қайд этилган исмларнинг 90-95 фоизини туркий исмлар ташкил этади ва бу исмларнинг баъзилари бугунги кунда ҳам қўлланилишини кузатамиз.

XV асрга келиб ўзбек халқининг маданияти ва санъати, тил ва адабиёти юқори босқичга кўтарилди. Ва бу, хусусан, исмларнинг лисоний хусусиятларига ҳам жиддий таъсир кўрсатдики, ана шу давр исмларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш алоҳида мавзу, албатта. Зеро, исмлар тарихи миллий тарихимизнинг ўзига хос узви саналади.

**Нишонбой ҲУСАНОВ**

Тарих — ибрат

# УНИ ВИЛЬСОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН ЭДИ...

(Давоми. Боши ўтган сонда)

«Турк адами марказийят» қисқа фурсатли самарасиз умрини тугатиши билан яширин гуруҳлар, шу жумладан, «Миллий иттиҳод» ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир архивда сақланаётган кўплаб ҳужжатларда Беҳбудийнинг Самарқанд бўлимининг фидойиларидан бўлгани ва шахсан ўзи ташкилотга ишончли кишиларни жалб этганидан шаҳодат беради. Ташкилотнинг, шубҳасиз, энг кучли бўлими ва негизи Тошкентда Мунавварқори раҳбарлигида иш олиб борган. Беҳбудий ҳам, Мунавварқори ҳам ўша вақтда кимнинг ёрдами билан мустамлакачилик кишанларидан халос бўлиш мумкин булса, шу кишига, шу гуруҳга, шу кучга катта умид билан қараганлар. Ана шундай куч мухторият тугатилганидан кейинги вазият тақозоси билан юзага келган «босмачилик ҳаракати» эди. Ҳатто 1919 йил январида, режадаги муддатидан олдин бошланган Осипов қўзғолони пайтида ҳам улар ўзларининг таъсир доираларидаги қуролли гуруҳларни Тошкентга олиб келишни мўлжаллаган эдилар. Аммо хабардор кишиларнинг қўлга тушиши ва сирнинг фош этилиши билан қўзғолон белгиланган муддатдан эрта бошланади,натижада «Миллий иттиҳод»нинг Фарғона водийсидаги қуролли кучлари Тошкентга етиб келолмайди.

Юқорида номи зикр этилган кишилар назарида, «босмачилик ҳаракати»нинг самарали бўлиши учун унга ҳарбий санъатни яхши эгаллаган кишининг раҳбарлик қилиши мақсадли эди. Бухорода ҳокимиятнинг ёш бухороликлар партияси қўлига ўтаётганини кўрган Мунавварқори «Миллий иттиҳод» ташкилотининг марказий аппаратини Бухорога кўчирди. Қизил армия ёш бухороликлар ёрдамида Бухорони ишғол этганларидан кейин давлат аппаратини «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзолари ёхуд уларга хайрихоҳ кишилар эгалладилар. Жадидлар хаёлида масъулиятли лавозимларни эгаллаш йўли билан Бухорода замонавий миллий ўзбек давлатини барпо этиш ва советларнинг таъсиридан холи равишда давлат ишларини юргизиш мумкиндек эди. Улар Қўқонда амалга ошира олмаган ниятларига Бухорода эришмоқчи бўлдилар. Лекин Фрунзе бошчилигидаги Қизил Армия амирликдан қолган катта бойликни тортиб олибгина қолмай, Бухоро Халқ Республикасининг талайгина раҳбарларига турли-туман айбларни қўйиб, уларни жумҳурият ҳудудларидан қувиб чиқарди. Шундан кейин жадидларнинг яна «босмачилик ҳаракати»га кўз тикишдан бошқа иложлари қолмади.

Шу ўринда миллий уйғониш ҳаракатининг пешқадам намояндаларидан бири Чўлпон тўғрисида сўзлаб ўтиш зарурдир. Чўлпон шу йилларда ташкил этилган бирорта яширин ташкилотнинг аъзоси бўлмаган. Аммо шунга қарамай, у оташин тарғиботчилик фаолияти ва ижоди билан ташкилот мақсад ва ғояларининг халқ ўртасида ёйилиши, халқ оммасида миллий озодликка нисбатан майлнинг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшди. Чўлпоннинг шу йилларда ёзган «Бузилган ўлкага», «Ёнгин», «Амалнинг ўлими», «Кўнгил», «Кишан» сингари ўнлаб шеърларини ўқиган кишиларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик кайфияти чарх урди. У ўз асарлари билан халқни истиқлол учун курашга даъват этиб, ундаги мудроқ туйғуларни жунбушга келтирди.

Афсуски, Чўлпоннинг ва бошқа кўплаб тараққийпарвар кишиларнинг умиди бўлган киши ҳам миллий озодлик ҳаракатига қанот бағишлай олмади. Бунинг устига, «босмачилик ҳаракати»га қарши кураш баҳонасида Қизил Армия ҳам кўплаб кишиларга кулфат келтира бошлади.

20-йилларнинг бошларида Рисқулов Туркистон Халқ Комиссарлари Советига раис этиб тайинланади. У Мунавварқори, Саъдулла Турсунхўжаев ва бошқалар билан учрашиб, улар билан жиддий музокара олиб борди. Бу музокарадан кейин Мунавварқори яширин ташкилот аъзолари билан бўлиб ўтган суҳбатда Партия Марказий Қўмитаси Туркистон Халқ Комиссарлари Советига раис этиб тайинланиши муносабати билан Рисқуловга, биринчидан, «босмачилик ҳаракати»ни тўхтатиш, иккинчидан эса, жадидларнинг яширин ташкилотларини тарқатиб юбориш ҳақида топшириқ берганини маълум қилади. «Дарҳақиқат, – деди у, – «босмачилик ҳаракати» ва яширин ташкилот фаолиятини бундан кейин ҳам давом эттириш ақлдан эмас. Шунинг учун ҳам биз бу фаолиятга чек қўйиб, ақл-заковат билан иш юритишимиз лозим. Шу вазифадан келиб чиқиб, Туркистондаги барча жадидлар бугундан бошлаб «босмачилик ҳаракати»га ёрдам беришни бас қилишлари, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашдан воз кечишлари керак. Барча жадидлар шуни билиб қўйсинларки, Рисқулов бекорга Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб тайинланмаган. Босмачилик ҳаракатини ким бошлаган бўлса, шу одамгина тўхтатиши жоиз».

Шундай қарордан кейин Абдулҳай Тожиев муҳаррирлигида «Дархон» газетаси ташкил этилиб, у Андижонда «босмачилик ҳаракати»ни тўхтатишга қаратилган ишларни амалга оширди. Ва босмачилар қулоқ солиши мумкин бўлган Чўлпон шу газетанинг асосий ходими ўлароқ, Мунавварқори берган топшириқни бажарди. Шу кундан бошлаб «босмачилик ҳаракати»га бўлган муносабат кескин ўзгарди.

Халқ Комиссарлари Советига маҳаллий кадрнинг раҳбар этиб тайинланиши Туркистон жадидлари сардорида яна умид уйғотди. Улардан бир қанчаси партия сафига кириб, давлат аппаратини эгаллаб олишга интилдилар. «Миллий иттиҳод» ташкилоти бу комиссия орқали ўз қадрларини совет партия аппаратларига йўллай бошлади. Ўсиб келаётган ёш авлод ижтимоий ҳаётга фаоллашар экан, «Миллий иттиҳод» ўз олдига қўйган вазифани бажаришга қодир бўлмай қолганини айтиб, уни тарқатиб юборишни Мунаввар қоридан илтимос қилди. Шундай қилиб, 1925–1926 йилларда «Миллий иттиҳод» замирида «Миллий истиқлол» ташкилоти тузилди.

Пайдо бўлганига ўн йил бўлаётган Совет давлати шу давр ичида ҳар томонлама куч йиғиб, ўз душманларини мажақлаб ташлаш иқтидорига эга бўлган эди. Шунинг учун ҳам Мунавварқори бу янги ташкилотнинг раҳбарлигини ўз зиммасига олмади. Шунга қарамай, у ташкилотнинг асосий фаолиятини маърифий ишларга буриб юборди. Унинг ташаббуси билан «Нашри маориф» ташкилотига тамал тоши қўйилди. Ўзбекистоннинг қарийб барча йирик шаҳарларида ўз бўлимларига эга бўлган «Нашри маориф» истеъдодли ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, турли мамлакатлар ва шаҳарларда таҳсил кўраётган ватандошларга ёрдам кўрсатиш, йўқолиб бораётган нодир қўлёзмалар ва халқ оғзаки ижоди намуналарини қидириб топиш ва нашр этиш каби хайрли ишлар билан машғул бўлди. Юзаки қараганда, кечаги жадидлар яна ўз олдиларига, аср бошларида бўлганидек, маърифий дастурни қўйгандек бўлдилар. Аммо ўтган, тарихий воқеаларга бой давр орасида, шубҳасиз, жадидларнинг саъй-ҳаракатлари билан мудроқ халқ оммаси уйғонган, давлат аппаратида ишлаши мумкин бўлган янги авлод эса туғилиб улгурган эди.



Мунавварқори бошлиқ жадидларнинг ҳатто «Нашри маориф» доирасидаги фаолияти ҳам Совет давлатига хавфли бўлиб туюлди. Ва 1929–1930 йилларда «тозалаш» компанияси иш бошланганда, Мунавварқори раҳбарлигидаги собиқ «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотининг барча аъзолари қамоққа олиниб, қириб ташланди. Совет давлати назарида, Мунаввар қори ва унинг маслакдошлари бор экан, демак, ўзбек халқида бу давлатни ағдариб ташлаш ва унинг ўрнига миллий давлатни барпо этиш истаги ҳам абадул-абад яшаши мумкин эди.

Нафақат 30-йиллар, балки 20-йилларнинг ўрталарида ҳам бадиий адабиётда истиқлолсеварлик ғояларини олға суриш маҳол эди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий сингари йирик эпик асарларни яратган адибларимиз Совет давлатининг миллий сиёсатидан норози бўлишларига қарамай, бу сиёсатининг ғайриинсоний ва ғайримиллий моҳиятини фош этиш, ватандошларидаги истиқлолсеварлик руҳини ошириш имконига эга бўлмадилар. Аммо шундай бўлса-да, «Ўтган кунлар» романининг тугалланма жумлаларига эътибор берсангиз, уларда момагулдирак қудрати борлигига ишонч ҳосил қиласиз. «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб, шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...»

Қўқон хонларининг бир нечасида лашкарбоши бўлган Қаноатшонинг бу икки энлик хати «Ўтган кунлар»нинг ғоявий йўналишини бутунлай бошқа бир ўзанга буриб юборган. Худди шундай пинҳона сатрлар орқали миллий уйғониш ҳаракати намояндалари 20-йилларнинг биринчи ярмида ватандошларини мустамлакачилик зулмига қарши бирлашиб, миллий истиқлол учун кураш ғоясини гоҳ ошкора, гоҳ яширин равишда ифодалаб турдилар. Ана шу йўналишнинг тепасида икки буюк адибимиз – Чўлпон билан Фитрат турди.

Архив материалларида бу икки ижодкорнинг фақат ўз қалами билан эмас, балки фаол ижтимоий фаолияти билан ҳам истиқлол учун курашганлари, «босмачилик ҳаракати»га чет эл мамлакатлардаги аксилшўровий кучларга умид билан қараганлари ва улардан мадад кутганлари айтилган. Аммо бу материалларнинг қанчалик ҳаётий асосга эга эканини аниқламай туриб, уларни илмий муомалага олиб кириш хато бўлар эди. Шунга қарамай, Чўлпоннинг 20-йиллар аввалида ёзилган «Тилак йўлида» шеърига назар ташласангиз, истиқлолсевар шоирнинг ҳеч нарсага қарамай, ўз ният-мақсадидан бир қадам ҳам чекинмаслиги маълум бўлади.

**Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетамен,**
**Қандай тўсиқ моне бўлса, ўтамен,**
**Мен кетамен, тилак, дея кетамен,**
**Ҳеч тилаксиз қуруқ танни нетамен?**
**Тилак йироқ, ёғдусида кўринмас,**
**Ой кетармен, йил кетармен, етилмас.**
**Туйғум унинг изларига урилмас,**
**Бу йўлларда балки шафқат этилмас.**
**Яна «тилак», «тилак», дея кетармен,**
**Бир жон экан, майли, қурбон этармен!**

Бу Чўлпоннинг эрк-иродаси, мустақиллик ғояларига садоқати, ҳаёти ва фаолиятининг бош шиоридир. Ушбу шеърда «Чарчаганларга» деган бағишлов сўзи бор. Чўлпон бу сўзлари билан истиқлол учун курашдан чарчаган миллий иттиҳодчиларни яна Ватан, Халқ, Ҳуррият учун фаол ҳаракатга чорламоқчи бўлган.

Бугун Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида миллий уйғониш ҳаракатининг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидов, Чўлпон, Фитрат сингари ўнлаб намояндаларининг улуғ номларини ҳурмат билан тилга олиб, улар орзу қилган миллий мустақилликка халқимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида эришганини яна бир бор ифтихор туйғулари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Наим КАРИМОВ**

# НЕГА МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ДЕЙМИЗ?

## ЁКИ ОЗИҚ – ОВҚАТ ГЕОГРАФИЯСИ

***Сиз одамлар тановул қиладиган озиқ-овқатларнинг хусусияти билан кишиларнинг табиати, маънавияти орасида маълум боғланишлар борлигини биласизми? Таниқли олим Муҳсин Валихоновнинг ушбу мақоласида шу мавзуга доир илмий-ҳаётий мулоҳазалар билдирилган.***

Муаллиф мавзуга киришишдан олдин бугунги кунда кундалик эҳтиёжимизга айланган бир неча озиқ-овқат маҳсулотлари ва айрим маданий ўсимликларнинг асли келиб чиқиш ҳудудлари тўғрисида мухтасар маълумот бериб ўтиш жоиз деб ,билган.

### НИМА ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?

Машҳур рус ботаник, географ олими, академик Н. И. Вавилов маданий ўсимликлар пайдо бўлган бир неча марказларни аниқлаган эди. Унинг мазкур назарияси кўпчилик олимлар томонидан маъқулланган. Шунга кўра кўпчилик сабзавот экинлари (лавлаги, турп, карам)нинг асл макони Ўрта Ер денгизи атрофларидаги ҳудудлардир. Панжоб, Кашмир, Тожикистон, Жанубий-ғарбий Осиёда буғдой, сули, нўхат, ҳантал (горчица) ва кейинчалик Европага тарқалган кўплаб мевали экинлар пайдо бўлган. Жанубий Хитойнинг тоғли жойларида маржуман (гречиха), соя, турп, ёнғоқ ва айрим цитруслар шаклланган. Ҳиндистондаги шарқий Ҳимолай, Бирма ва Эфиопия тоғолди ерлари бодринг, шоли, цитруслар, кофе дарахтларининг азалий ҳудудидир. Гўза ва жўхориларнинг манзили Мексика тоғларининг пасттекисликлари бўлса, жанубий Американинг ғарби ва шимолидаги Анд тоғлари этаклари картошка, помидор шаклланган марказлар ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўпчилик маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари икки, уч манзил деб ҳам юритилади.

### МИЛЛИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ ТАОМЛАР

Қадим-қадимдан дунёнинг кўпгина жойларида гуруч, буғдой ва жўхори энг асосий озуқа сифатида қўлланилиб келган ва келинмоқда. Азалдан одамлар ўзлари яшайдиган манзилларда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиб, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси таъсирида ҳаёт кечирадилар. Шу тариқа одамзод айнан шу муҳитга мутаносиб (гармония) ҳолатида бўлиб, сезиларли даражада мослашиб, шу табиат билан биргаликда бир бутун экосистемани ташкил қилган. Мазкур ҳолат (ҳар бир катта ҳудудда) бир неча минг йиллар муттасил давом этиб келаётгани учун одам билан у тановул қилаётган озиқ-овқатлар ўртасида ирсий-генетик ришталарнинг пайдо бўлиши ҳар бир шахснинг миллий ва ирқий генларининг ўзига хос шаклланишига олиб келган. Жамиятнинг бир аъзоси истеъмол қиладиган озиқ-овқат турларини неча асрлар бўйи унинг генетик мажмуаси бўлган – авлод-аждоди, уруғи, ва халқ деб аталмиш катта жамоаси ҳам тановул қилган. Шу таҳлит муттатасил истеъмолда бўлган егуликлар ҳар бир миллатнинг миллий урф-одатлари, ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган дейиш мумкин. Ахир «миллий таомлар» деган ифода бежиз эмас (бу ўринда миллий қадриятларимизнинг бир ифодаси каби тилга олинадиган бир неча тансиқ таомларимизни эслатиб ўтиш фикримизни изоҳлашга кўмак беради, албатта).

Тўғри, Ўрта Осиёга руслар кириб келиши билан бирга келтирила бошлаган картошка, помидор ва қулупнайлар халқимиз учун озиқ-овқат сифатида бир асрдирки, кенг ишлатилиб келиняпти. Лекин булар кейинги икки авлод истеъмол мажмуига мансуб, холос. Қолаверса, юртимизда етиштириладиган экинлардан тайёрланган озиқ-овқатларнинг таъми, қуввати ва бошқа хусусиятлари четдан келтирилган егуликларга нисбатан ҳозирча анча устундир. Шу боис, гарчи еримизда етиштирилаётган бўлсада, четдан келтирилиб, тўлиқ ўзлаштирилган, муайян бир халқ учун генетик табиийлашган озиқ-овқат тури йўқ. Лекин уларнинг организмга маълум таъсири-чи, – бу тадқиқталаб мавзу.

### МЕЪДАНИНГ ҲАМ ЎЗ ДАСТУРХОНИ БОР

Ҳозирги кунда республикамизга турли хорижий ўлкалардан кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда. Фикримизча, бундай маҳсулотлар муттасил тановул манбаига айланмасдан фақат меҳмондорчилик учун, байрам дастурхонларини безатиш мақсадида ўртага тортилса ва истеъмол қилинса кифоядир. Чунки организм, таъбир жоиз буса, икки-уч кундан ошиқ турган янги «меҳмон»га акс-садо бера бошлайди, маълум тараддудга тушади. Ҳар ҳолда одамнинг меъдаси меҳмонхонада ёзилган дастурхон эмас — дастурхонни яшнатган егулик меъдангизни ҳам шундай яшнатавермайди. Кейинги пайтларда импорт маҳсулотлар кириб келиши билан бир вақтда пайдо бўлаётган ҳар хил касалликлар, жумладан, аллергия хасталигининг кенг тарқалиб кетаётганлигига экологик муҳит билан биргаликда, айниқса, четдан келтирилаётган озиқ-овқатлар сабабчи эмасмикин деб ўйлайди киши. Бинобарин, экология фани атроф-муҳит билан бир қаторда озиқ-овқат табиати билан ҳисоблашиш зарурлигини ўргатади. Ҳар биримиз ўзимиз истеъмол қилаётган (ёки фарзандларимизга бераётган) егуликнинг моҳиятини, таркибини, фойдали ва зарарли томонларини ўйлашимиз, мижозимизга қарашимиз ҳам жоиз. Масалан, сиз маргарин харид қиляпсиз, эҳтимол нисбатан арзонлигини ўйлагандирсиз. Лекин...

### АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ

Маълумки, дунё халқлари ўртасида кенг истеъмол қилинадиган ҳайвон ёғлари ўрнини босиш учун маргарин XX аср бошларида тавсия этилган эди. Айрим ўсимликлардан олинадиган, техникада ишлатиладиган бадбўй ҳидли, озиқ-овқатга яроқсиз мойни немис олимлари гидрогенизация қилиш натижасида қуюқ ҳолатга келтирдилар. Фан тарихида бу улкан ютуқлар қатори саналиб, мазкур илмий ишнинг муаллифи Нобел мукофотига сазовор бўлган эди. Мана, деярли бир аср бўлдики, ана шу тажриба «меваси» – маргаринни истеъмол ёғи сифатида қўллаб келмоқдалар. Америкада нашр қилинадиган «Нью-сиюк» журналининг яқинда берган маълумотига қараганда, маргаринда ҳосил бўладиган ёғ кислотамерининг транс изомерлари қон томирларининг эластик хусусиятларини йўқотишга олиб келади, натижада, қоннинг эркин оқишига зарар етказди. Швейцария шифокор-диетологи Кэтрин Кузмина ўсимликлардан, хусусан, палмадан олинган мойнинг ҳарорати анча юқори, яъни 200Њ Ц да қайта ишланиб, унга сув водород ва никел ҳамда ёқимсиз ҳидини йўқотиш, таъмини яхшилаш учун ҳар хил бўёқлар қўшилади, деб таъкидлайди. Олима маргаринни озиқ-овқат сифатида ишлатиб бўлмайдиган сохта маҳсулот деб қарайди. Сурункали маргарин истеъмол қилувчилар, айниқса, аёлларда инфаркт касаллигига мойиллик ошади. Болаларнинг чала туғилиши ва эндокрин тизимининг бузилишига сабабчи бўлади деб кўрсатади у.

### ТАНОВУЛ

Озиқланиш қоидаларини диэтология фанининг кўрсатмаларидангина эмас, балки табиатнинг ўзидан қидиришимиз лозим. Бундай қоидалар халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналарида турли тарзда яшаб келмоқда, ҳатто қўшиқларга ҳам сингиб кетган. Миллий тановул маҳсулотлари ўрнини кўринишдан чиройли, рангли, қоғозларга ўралган – пардозланган «прогрессив» деб аталаётган маҳсулотларга билиб-билмай алмаштириш соғлом турмуш тарзимизга салбий таъсир қилиши, муаммолар туғдириши ҳеч гап эмас. Аслида шундай озиқ-овқатлар прогрессив саналадики, у генетик нуқтаи назардан муайян бир халқнинг бир неча аждодига адаптип – мутаносиб бўлиб, униң тафаккури, жисмоний фаолиятига ва умуман яшаш тарзига ижобий таъсир қилади.

Шундай анъаналар асосида ўсимликлардан, шунингдек, диний қарашлардан келиб чиққан ҳолда айрим танланган ҳайвонлар гўшт-ёғидан тайёрланган озиқ-овқатлар, шубҳасиз, тўла прогрессив хусусиятга эгадир. Ҳар хил емишларни пала-партиш истеъмол қилиш, чекиш, спиртли ичимликлар қабул қилиш оқибатида одам организми барвақт турли касалликларга чалинади. Зеро, тановул қилган маҳсулотимизни биз ўзимизга – вужудимизга қўшган ҳисобланамиз, жисм ундан қувват оладими ёки аксинчами, бу – нималарни истеъмол қилаётганимизга боғлиқ.

### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Ҳар бир ҳудудда шу ернинг умумий табиий иқлимига мутаносиб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Маълум ҳудудда азалдан яшаб келаётган халқлар, элатлар, одамларни тангри шу ер табиатига уйғун бир тарзда яратган каби. Бир табиий иқлимда яшаб туриб, бошқа бир табиий иқлимда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини (қолаверса, уларнинг сифати ҳам турлича) муттасил қабул қилиш одам организмидаги генларга салбий таъсир қилади, деб ўйлаймиз. Тўғри, бу таъсир генларни ўзгартирмайди ёки мутлақо янгиларини ҳосил қилмайди. Лекин мавжуд генлар, бир сўз билан айтганда, касалга чалиниши, ҳатто нобуд бўлиши мумкин. Зеро, асли яралмишдан ташқари бутунлай янги яралмиш пайдо бўлганини ҳали ҳеч ким билмайди. Афкор оммонинг эътиборини қаратган маймуннинг одамга айланиш ҳақидаги назариялар ёки Лисенконинг жавдардан буғдой, ёввойи сулидан унинг маданий турини ҳосил қилишга доир илмий асоссиз «тажриба»ларнинг ҳам аслида пуч эканлиги кейинчалик ҳаммага маълум бўлган.

Демак, она табиатимизга бўлган муҳаббатимиз шу Ватан, эл, ўз-ўзимиз, ўзлигимизга бўлган меҳримиз, ардоғимизнинг бир ифодасидир.

**Муҳсин ВАЛИХОНОВ,**
**биология фанлари доктори**

